Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№45

2026-yil
11-noyabr, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan

ЯЛПИ МАЖЛИС

ПАРЛАМЕНТ МИНБАРИДА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли йўналишларига оид масалалар муҳокамаси давом этмоқда. Навбатдаги мажлис кун тартибидан ҳам қонунчиликни такомиллаштириш, мавжуд муаммоларга ечим топиш ва аҳоли манфаатларини таъминлашга қаратилган қатор масалалар ўрин олди.

Дастлаб “Кўп квартирали уйларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Президентимизнинг 2025 йил 27 январдаги фармони билан улушли қурилишда эскроу тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. 2025 йил 1 июлдан бошлаб фуқароларнинг уй-жой қурилиши учун киритадиган маблағларини банкдаги махсус эскроу ҳисобварағида сақлаш ихтиёрий тартибда йўлга қўйилган. Яъни ҳозирда уй-жой харид қилаётганлар ушбу тизимдан фойдаланишлари мумкин.

► (Давоми 2-бетда)

УЙ-ЖОЙ ХАРИДИДА КАФОЛАТ: УЛУШДОРЛАР ҲУҚУҚИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА



Аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш, қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлаш ва қурувчилар масъулиятини ошириш — янги қонунчилик ислоҳотларининг устувор йўналиши.

Бугун мамлакатимизда аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, замонавий ва қулай турар жойлар барпо этиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Кейинги йилларда юртимиз бўйлаб кўп квартирали уй-жойлар қурилиши жадал суръатда ривожланмоқда. Бу эса минглаб оилаларнинг ўз уйига эга бўлиш орзусини рўёбга чиқариш билан бирга, соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш заруратини ҳам юзага келтирмоқда.

► (Давоми 2-бетда)

САРҲИСОБ

ОДАМЛАР РОЗИЛИГИ – АСОСИЙ МАҚСАД



Ҳар бир оиланинг, ҳар бир инсоннинг ўз орзу-интилишлари, ҳаётдан кутаётган умидлари бор. Кимдир фарзандининг яхши таълим олишини, кимдир ўз ишини йўлга қўйиб, оиласи фаровонлигини оширишни истайди. Ёшлар ўз қобилиятини намоён этишга, кексалар эса фарзандлари ва набиралари камолини кўриб, хотиржам яшашга интилади.

Партиянинг халқ орасидаги ўрни ҳам айнан шу жараёнларда — одамларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббусларига елкадош бўлиш ва юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишда кўринади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўттиз беш йилдан буён ана шу масалаларни сиёсий фаолиятининг марказига қўйиб келмоқда. Айниқса, аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш каби вазифалар партия вакилларидан янада фаол, ташаббускор ва талабчан бўлишни тақозо этмоқда.

► (Давоми 4-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН – БМТ

ГЛОБАЛ ҲАМКОРЛИК ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЙЎЛ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро ҳамкорлик ва кўп томонлама муносабатларга қатъий содиқлигини амалда намоён этмоқда. Мамлакатимиз иқлим ўзгаришига қарши курашиш, давлат хизмати самарадорлиги, парламентаризмни ривожлантириш, ёшлар фаоллигини ошириш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга бағишланган йирик халқаро анжуманларга мезбонлик қилди. Очиқ ва прагматик ташқи сиёсат туфайли Янги Ўзбекистон халқаро ҳамжамият билан мулоқот ва шериклик алоқаларини изчил мустаҳкамлаб бормоқда.

► (Давоми 6-бетда)

МУНОСАБАТ

ШИФОКОРНИНГ ЭНГ КАТТА МУКОФОТИ




Инсон ҳаётини асраш, унинг саломатлигини муҳофаза қилишдан улуғроқ вазифа йўқ. Қарийб 40 йиллик шифокорлик фаолиятим, айниқса, она ва бола саломатлиги йўлидаги меҳнатим бу ҳақиқатни қайта-қайта исботлади.

► (Давоми 3-бетда)

АКС-САДО

САҲРОДА МЎЪЖИЗА ЯРАТГАНЛАР



7

ЯЛПИ МАЖЛИС

ПАРЛАМЕНТ МИНБАРИДА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Фармонга мувофиқ, 2026 йил 1 январдан бошлаб бундай маблағларни фақат эскроу ҳисобварақлари орқали жалб қилиш белгиланган. Янги қонун лойиҳаси эса бу жараённи ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб, фуқароларнинг пулларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Энди фуқаролар уй-жой қурилиши учун тўлаган пуллар тўғридан-тўғри қурувчига берилмайди, балки банкдаги махсус ҳисобварақда сақланади. Қурувчи уйни белгиланган талаблар асосида қуриб, фойдаланишга топширганидан кейингина ушбу маблағларни олади. Бу эса уй қурилиши чўзилиб кетиши ёки тугалланмай қолиши билан боғлиқ хавфларни камайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, энди ҳар қандай қурувчи аҳолидан уй-жой учун пул жалб қила олмайди. Бунинг учун у қонунда белгиланган талабларга жавоб бериши, Ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтиши, ваколатли банк билан келишув тузиши ва ўз қурилиш лойиҳаси ҳақидаги маълумотларни расман эълон қилиши керак бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат — фуқаро билан қурувчи ўртасидаги шартнома нотариус орқали тасдиқланади ва давлат рўйхатидан ўтказилади. Бу бир хонадонни бир неча кишига сотиш ёки қонунга зид шартномалар тузиш каби ҳолатларнинг олдини олади.

Агар қурувчи қонунда белгиланган талабларни бузиб, фуқаролардан пул жалб қилса, улар ўз маблағларини қайтаришни ҳамда ушбу пулдан фойдаланганлик учун фоиз тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қонун лойиҳасида қурилиш ишлари тўхтаб қолмаслиги ва уйлар ўз вақтида битказилишини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, зарур ҳолларда қурувчини ёки ваколатли банкни алмаштириш, қурилишни давом эттириш учун маблағ билан таъминлаш механизмлари назарда тутилмоқда. Бу орқали қурилишда муаммо юзага келган тақдирда ҳам ишларни давом эттириш ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, уй-жой қурилиши ҳақидаги барча муҳим маълумотлар Ягона ахборот тизимига жойлаштирилади. Фуқаролар ушбу тизим орқали қурувчи, қурилаётган уй ва лойиҳанинг қай даражада амалга оширилаётгани ҳақида маълумот олишлари мумкин бўлади.

Шу тариқа, қонун уй-жой харид қилаётган фуқароларнинг маблағларини ҳимоя қилиш, қурувчилар масъулиятини ошириш ва қурилиш соҳасида очиқликни таъминлашга қаратилган.

Тадбиркорлардан қонунда назарда тутилмаган ҳужжатлар талаб қилинишининг олдини олиш мақсадида ноаниқ бўлган «қўшимча маълумотлар» шаклидаги нормалар чиқариб ташланди, 10 дан ортиқ ҳаволавий норма бўйича қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддатлари аниқ белгиланди. Ўтиш тартиби назарда тутилиб, қонун кучга кирганидан кейин қурилишига рухсатнома олинган объектларга нисбатан татбиқ этилиши белгиланди.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛМОҚДА

Мажлисда «Урбанизация соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан урбанизация жараёнларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарларнинг жамият ва иқтисодиёт ривожидаги ролини ошириш, аҳолининг турмуш тарзини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда экологик муҳитни ва шаҳар инфратузилмасини янада яхшилаш, аҳоли пунктларини, ҳудудларни комплекс ривожлантириш асосида мутаносиб режалаштириш шаҳарсозликда асосий принциплар сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, урбанизация соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитасининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари Шаҳарсозлик кодексида аниқ кўрсатилмоқда.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги ташкилий ўзгаришларни қонунчиликда акс эттириш, ваколатли давлат органларининг номланиши ва ваколатларини ўзаро мувофиқлаштириш, иш берувчиларнинг чет эл фуқаролари учун меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномаларни олиш юзасидан мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш, давлат хизматлари кўрсатишда қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда соҳада ҳуқуқий аниқликни таъминлашга қаратилган.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан депутатлар билдирган таклиф ва мулоҳазалар атрофлича кўриб чиқилиб, унинг айрим нормалари янада аниқлаштирилди.

Хусусан, қонун лойиҳасида назарда тутилган нормаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ва тушунарли ифодаланиши, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш мақсадида тегишли таҳририй тузатишлар киритилди.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

СУД ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ОИД ЯНГИЛИКЛАР

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал кодексига, «Давлат божи тўғрисида»ги ҳамда «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларидаги нотўғриликларни суд тартибида аниқлаш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишнинг аниқ процессуал тартиби белгиланмоқда. Бу фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигини камайтириш, ўз ҳуқуқларини тиклаш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, қонун лойиҳасида тўловга қобилиятсизлик ишлари доирасида суд бошқарувчиси ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган тақдирда, унга тўланадиган ҳақ миқдорини камайтириш, айрим суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш имкониятларини кенгайтириш, судгача санация қилиш ҳамда суд бошқарувчиларини вазифасидан озод этиш тартиблари кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, давлат божи билан боғлиқ айрим нормаларни ўзаро мувофиқлаштириш, тўловга қобилиятсизлик жараёнларида кредиторлар ва қарздорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш ҳам белгиланмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда «Яйловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А. Закировга «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш, рақамлаштириш ҳамда шаффоф ва коррупциядан холи тизимни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида» Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

УЙ-ЖОЙ ХАРИДИДА КАФОЛАТ: УЛУШДОРЛАР ҲУҚУҚИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА



Шокиржон АҲМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумотларга кўра, сўнгги ўн йилда мамлакатимизда 16 317 та кўп қаватли уй қурилиб, 713 846 та квартира фойдаланишга топширилган. Хонадонлар сони 2017 йилга нисбатан қарийб уч баробарга ошган. Бу рақамлар қурилиш соҳасидаги улкан ўзгаришлар кўламини яққол намоён этади.

Бироқ соҳада эришилаётган ижобий натижалар билан бир қаторда, айрим муаммолар ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Хусусан, баъзи ҳолларда қурувчилар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги, қурилиш ишларининг белгиланган муддатларда якунланмаслиги, фуқаролардан жалб қилинган маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши каби ҳолатлар аҳолининг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Энг муҳими, бу ерда гап фуқароларнинг йиллар давомида меҳнат қилиб, тежаб-тергаб жамғарган маблағлари, фарзандлари келажаги ва ўз бошпанасига эга бўлиш орзуси ҳақида бормоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир улушдорнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат ва жамият олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Ўз вақтида Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида айни шу масалага алоҳида эътибор қаратилган, аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли қонунни қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган эди. Партиямиз таклифи бугун амалга ошаётгани, бу электоратимиз манфаатларига хизмат қилишини ҳам таъкидлаш лозим.

ЭСКРОУ ТИЗИМИ — МАБЛАҒЛАР ХАВФСИЗЛИГИ

Айнан шу эҳтиёждан келиб чиқиб, «Кўп квартирали уйларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсади — улуш киритиш асосида уй-жой харид қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг маблағлари хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қурилиш соҳасида шаффоф ва самарали механизмларни жорий этишдан иборат.

Бу борада халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган эскроу тизимини қонунчилик асосида мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Хўш, эскроу тизими нима ва унинг аҳамияти нимада?

Оддий қилиб айтганда, эскроу — бу уй-жой харидорининг маблағини тўғридан-тўғри қурувчига эмас, балки банкда очилган махсус ҳисобварақда сақлаш тизимидир. Бунда харидор шартномага мувофиқ маблағни эскроу ҳисобварағига ўтказади. Қурувчи эса белгиланган талаблар асосида қурилишни амалга оширади. Банкда сақланаётган маблағлардан фойдаланиш эса қонунда белгиланган шартлар асосида таъминланади.

Ушбу механизмнинг энг муҳим жиҳати шундаки, фуқаронинг маблағи қурувчининг ихтиёрига тўғридан-тўғри берилмайди. Бу эса маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши, қурилиш жараёнидаги молиявий таваккалчиликлар ва турли суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда мазкур тизимни босқичма-босқич жорий этиш бўйича ҳам аниқ чоралар белгиланган. Жумладан, 2025 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар улушдорларнинг маблағларини эскроу ҳисобварақлари орқали жалб қилиш тарафларнинг ихтиёрий танловига кўра амалга оширилган бўлса, 2026 йил 1 январдан бошлаб бу тартиб мажбурий этиб белгиланган.

Бугунги кунда 251 та уй-жой мажмуасида эскроу тизими асосида қурилиш ишлари олиб борилмоқда ва беш мингдан зиёд шартнома расмийлаштирилган.

Бу, шубҳасиз, қурилиш соҳасида янги босқич бошланганидан далолат беради.

ДЕПУТАТЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК ТАКЛИФЛАРИ АСОСИДА

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида энг асосий эътибор фуқароларнинг манфаатларига қаратилди. Биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланган ҳужжат иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида атрофлича қайта кўриб чиқилди.

Бунда депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, ижтимоий тармоқларда кўтарилган муаммолар, фуқароларнинг мурожаатлари, қурувчилар ва девелоперлар билан ўтказилган учрашувларда билдирилган таклифлар чуқур ўрганилди. Шунингдек, 16 та вазирлик ва идора билан муҳокамалар ўтказилиб, халқаро экспертларнинг таклифлари ҳам инобатга олинди.

Натижада қонун лойиҳасига бир қатор муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчидан, улушли иштирок этиш шартномаларини ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир шартнома ҳамда унга киритиладиган қўшимча келишувларни нотариал тартибда тасдиқлаш талаби белгиланди. Бу фуқароларнинг шартномавий муносабатлардаги ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, қуриб битказилган хонадонлар майдонининг шартномада кўрсатилган майдондан фарқ қилиши билан боғлиқ эътирозлар инобатга олинди. Шу мақсадда қонун лойиҳасининг 34-моддасига ўзгартиш киритилиб, улушли қурилиш объекти майдонининг шартномада белгиланган майдондан рухсат этилган ўзгариш даражасини беш фоизгача белгилаш ҳамда лойиҳа ҳужжатларидаги «жиддий ўзгариш»ни муайян фоиз билан чеклашга оид қоидалар чиқариб ташланди.

Учинчидан, қурилиш ишларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, объектларни ўз вақтида якунлаш ва хонадонларни улушдорларга топширишда кечикишларнинг олдини олиш мақсадида молиялаштириш тартиби такомиллаштирилди. Унга кўра, қурилиш қийматининг камида 70 фоизи банк кредити, кўпи билан 30 фоизи эса қурувчининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилмоқда.

Тўртинчидан, фуқароларнинг маблағларини қонунда белгиланган шакл ва тартибдан ташқари усулларда жалб қилиш ёки шартномани давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатлари учун жавобгарлик белгиланмоқда. Бу эса қурилиш соҳасида қонунийлик ва интизомни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, янги тартибларнинг амалдаги қурилиш лойиҳаларига таъсири ҳам эътибордан четда қолмади. Қурилиши бошланган объектлар тўхтаб қолишининг олдини олиш мақсадида қонуннинг 79-моддасига тегишли ўтиш нормаси киритилди. Унга мувофиқ, янги механизмлар қонун кучга кирганидан кейин қурилишига рухсат олинган объектларга нисбатан татбиқ этилади.

ҚУРУВЧИЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Албатта, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фақат маблағларни кафолатли сақлаш билан чекланмаслиги керак. Бу жараёнда қурувчи ва девелоперларнинг масъулиятини ошириш, қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш ҳам муҳим ўрин тутади.

Сўнгги даврда қабул қилинган қонунлар билан ҳам бу борадаги жавобгарлик чоралари сезиларли даражада кучайтирилди.

Жумладан, 2026 йил 28 сентябрдаги қонун билан кўп квартирали уйларни тегишли рухсатномаларсиз қурганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 450 бараваригача жарима, бундай ҳуқуқбузарликни такроран содир этганлик учун эса жиноий жавобгарлик белгиланди.

2026 йил 2 ноябрдаги қонун билан қурилиш объектларига мансаб ваколатидан фойдаланиб, қонунга хилоф равишда аралашганлик учун маъмурий, бундай қилмишни маъмурий жазодан кейин такроран содир этганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари назарда тутилди.

Шунингдек, фойдаланишга қабул қилинмаган кўп квартирали уйларга фуқароларнинг кўчиб киришига йўл қўйганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ушбу чораларнинг барчаси бир мақсадга — қурилиш соҳасида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг маблағлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Депутатлик фаолиятимизда аҳолининг мурожаатлари, ҳаётий муаммолари ва қонуний талабларини ўрганиш биз учун доимий вазифадир. Қонунчиликдаги ҳар бир ўзгартиш, ҳар бир янги норма, аввало, оддий инсон ҳаётида қандай ижобий натижа бериши билан баҳоланиши керак.

Уй-жой харид қилиш кўпчилик оилалар учун бир неча йиллик меҳнат, тежамкорлик ва катта умидлар маҳсулидир. Шу боис ҳеч бир фуқаро ўз маблағини йўқотишдан, қурувчи томонидан алданишдан ёки узоқ вақт давомида уйига эга бўлолмасликдан хавотирланмаслиги лозим.

Ишончли ҳуқуқий кафолатлар, шаффоф молиявий механизмлар, масъулиятли қурувчилар ва самарали давлат назорати — соҳа ривожининг асосий шартларидир.

Ишончимиз комилки, «Кўп квартирали уйларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бу борадаги ҳуқуқий кафолатларни янада мустаҳкамлаш, улушдорларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, қурилиш соҳасида соғлом рақобат ва очиқлик муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Уй-жой — бу шунчаки бино ёки кўчмас мулк эмас. У оиланинг осойишталиги, фарзандлар келажаги, инсоннинг эртанги кунга бўлган ишончи демакдир. Ана шу ишончни қонун билан ҳимоя қилиш эса барчамизнинг масъулиятли вазифамиздир.

ШИФОКОРНИНГ ЭНГ КАТТА МУКОФОТИ



Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчиик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни муносабати билан йўллаган табриги мен учун алоҳида аҳамиятли бўлди. Унда таъкидланганидек, соғлиқни сақлашга ажратилаётган маблағ 7 баробар ошиб, 2026 йилда 49 триллион сўмга етди. Бу шунчаки рақам эмас: унинг замирида замонавий шифохоналар, янги диагностика ускуналари, малакали кадрлар ва ҳар бир фуқаро учун сифатли тиббий хизматга йўл очилгани турибди.

Ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳатини тиббиётни одамга яқин, инсон манфаатига хизмат қиладиган тизимга айлантириш, деб биламан. Давлат тиббий суғуртасининг кенгайтирилиши, «Маблағ бемор ортидан боради» тамойили ва Реимбурсация орқали дори-дармон билан таъминлаш даромадидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг кафолатланган тиббий ёрдам олишига хизмат қилади. Халқ демократик партияси бу йўналишлардаги ташаббус ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Лекин ислоҳотнинг ҳақиқий самараси ҳар бир маҳалла ва ҳар бир оилада сезилиши керак. Чекка ҳудудларда бирламчи тиббий ёрдам сифатини ошириш, мутахассислар етишмовчилигини бартараф этиш ва касалликларни эрта аниқлаш доимий эътиборимизда бўлиши лозим.

Сунъий интеллектдан шифокор ва ҳамшираларнинг фаолиятида фойдаланишга урғу берилгани ҳам замон талаби. Бу технология ташхис қўйиш, хавфни аниқлаш ва даволаш самарадорлигини оширишда катта имконият беради. Аммо у шифокорнинг ўрнини эгалламайди, балки унинг билими ва тажрибасига ишончли кўмакчи бўлиши керак. Тиббиётнинг марказида ҳамиша инсон туради.

Ёш шифокорлар учун яратилаётган имкониятлар соҳамиз келажагининг мустаҳкам пойдевори. Тиббиёт олийгоҳларига қабул квотаси 4,5 баробар ошгани, халқаро аккредитациядан ўтган таълим дастурлари кўпайгани бунинг яққол далилидир.

Мамлакатимизда ўртача умр кўриш 75,4 ёшга етди, галдаги вазифа уни 78 ёшга етказиш. Бунинг учун касалликни даволашдан кўра олдини олишга, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ва профилактик тиббиётни кучайтиришга устувор эътибор қаратишимиз зарур. Хусусан, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, ҳомиладор аёлларга малакали ёрдам кўрсатиш, туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш соғлом авлод учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Зеро, соғлом миллат соғлом оиладан, соғлом она ва боладан бошланади.

Қонунчилик палатаси депутати сифатида соғлиқни сақлашнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва хизмат сифати устидан парламент назоратини кучайтиришни ўз бурчим, деб биламан. Чунки ислоҳотлар қарорларнинг ўзи билан эмас, уларнинг жойларда ижроси билан баҳоланади.

Шифокорнинг энг катта мукофоти беморнинг соғайиши, онанинг соғлом фарзандни бағрига босиши, инсонда ҳаётга ишонч қайта уйғонишидир. Президентимизнинг самимий табриги бизга билдирилган юксак ишонч ифодаси, шу ишончга муносиб бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ



Жуманазар МАДИЕВ,
“Дўстлик” ордени соҳиби,
Сурхондарё вилояти Бандихон тумани.

> ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАБРИГИДА УРҒУ БЕРИЛГАНИДЕК, АСОСИЙ МАҚСАД — ҚАЕРДА ЯШАШИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ҲАР БИР ИНСОННИНГ ЎЗ ВАҚТИДА СИФАТЛИ ТИББИЙ ЁРДАМ ОЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ.

Президентимизнинг Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган натижалар ва олдимизда турган муҳим вазифалар алоҳида таъкидланди. Кейинги йилларда "Янги Ўзбекистон — янги ва замонавий тиббиёт" эзгу ғояси асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар нечоғлик ўз самарасини бераётгани аниқ рақамлар орқали кўрсатиб ўтилди.

Деярли ярим асрлик меҳнат фаолиятим тиббиёт билан боғлиқ бўлгани учун кеча ва бугунни ўз ҳаётим, касбий йўлим мисолида қиёслаш имконига эгаман. 1982 йили талабаликни тугатиб, шифокорлик фаолиятимни бошлаганман. Бойсун, Қизириқ ва Бандихон туманларининг чекка ҳудудларида умумий амалиёт шифокори бўлиб ишладим. Олис қишлоқлар, тоғлар бағридаги овуллар ва чорвадорлар яшайдиган манзиллар мен учун касб мактаби бўлди.

Ўша йилларда қишлоқ шифокорининг иш вақти белгиланмаган эди. Бемор чақирса, қор ёки ёмғир, манзилнинг узоқлигига қарамай, йўлга чиқиш керак бўларди. 1983–1986 йилларда Бойсунда тез тиббий ёрдам бўлимида навбатчилик қилганимда бутун туманга хизмат кўрсатадиган битта УАЗ машинаси бор эди. «Пулҳоким» қишлоқ врачлик пунктида эса кўпинча от ёки эшакда беморлар ҳузурига борганмиз. Керза ёки резина этик кийиб, йўл-йўлакай хонадонларга кириб, зарур муолажаларни бажарардик. Ҳамшираларнинг ҳам етишмасди.

Фаолиятим давомида уй шароитида 400 дан ортиқ туғруқда ёрдам беришимга тўғри келган. Шароит чекланган бўлса-да, беморни куттириш мумкин эмас эди. Шифокорнинг бурчи — инсон дардига дармон бўлиш, ҳаёт-мамот лаҳзаларида уни қутқариб қолишдир.

Бу хотираларни ўтмишдан нолиш учун эмас, бугунги имкониятларнинг қадрини янада теран англаш учун эслайман. «Пулҳоким» қишлоғида 2024 йилда янги оилавий шифокорлик пункти фаолият бошлади. Бандихон тумани “Бирдамлик” маҳалласида ҳам 2023 йили янги ОШП барпо этилди. Ҳозир мен ана шу муассасада халқимизга хизмат қиляпман.

Бугун сифатли тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, касалликларни эрта аниқлаш, замонавий диагностика ва даволаш имкониятларини ҳудудларга олиб кириш, шифокорнинг беморга кўпроқ вақт ажратиши учун шароит яратиш масалаларига жиддий ёндашилмоқда. Рақамлаштириш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Илгари ҳисобот ва ҳужжатларни қўлда қайта-қайта ёзишга кўп вақт кетарди. Электрон тизимлар эса қоғозбозликни камайтириб, шифокорнинг бемор билан ишлашига кўпроқ имконият яратмоқда.

Президентимиз табригида урғу берилганидек, асосий мақсад — қаерда яшаши ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг ўз вақтида сифатли тиббий ёрдам олишини таъминлаш. Менинг назаримда, тиббиётда “чекка ҳудуд” деган тушунча бўлмаслиги керак. Тоғ бағридаги қишлоқда яшайдиган инсон ҳам, шаҳар марказидаги фуқаро ҳам бир хил эътибор ва малакали тиббий хизматга муносиб.

Тиббиётдаги ҳар қандай ислоҳотнинг ҳақиқий баҳосини бемор беради. Янги бино инсон учун эшигини очса, замонавий ускуна касалликни вақтида аниқласа, рақамли технология шифокор вақтини тежаса ва малакали мутахассис бемор дардини енгиллатса, ислоҳот ҳаётда ўз самарасини кўрсатган бўлади. Шу маънода, давлат тиббий суғуртаси, электрон рецепт, рақамли тиббий карталар ва замонавий таълим тизими соҳа тараққиётининг муҳим босқичларидир.

Мен касбий фаолиятим давомида турли йўналишларда ишладим: 2005 йилдан Бандихон туманида бош стоматолог, шу билан бирга қишлоқ врачлик пунктларида терапевт бўлиб фаолият юритдим. 2008–2011 йилларда силга қарши кураш йўналишида меҳнат қилдим. Ўқиш, ўрганиш ва изланишни ҳамиша касбий бурчим, деб билдим.

Бугун Бандихоннинг обод кўчалари, равон йўллари, ичимлик суви ва замонавий қиёфасига қараб, инсон саломатлиги фақат шифохонада эмас, балки унинг яшаш шароитида ҳам шаклланишини яна бир бор ҳис қиламан. Соғлом турмуш муҳитини яратиш, касалликларнинг олдини олиш ва аҳолига муносиб ҳаёт шароитини таъминлаш халқ саломатлигининг муҳим пойдевори саналади.

Унутмайлик, Ватаннинг қудрати — унинг халқи билан, халқнинг энг катта бойлиги эса саломатлигидир.

ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

ИНСОН ҲАЁТИНИ АСРАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Тошкентдаги Миллий тиббиёт марказига аввалларидан журналист сифатида ташриф буюриб, ушбу марказ мисолида юртимизда замонавий тиббиётни ривожлантириш, мураккаб жарроҳлик амалиётлари, илғор технологиялар, соҳа фидойилари фаолиятига доир қатор мақолалар ёзганим рост. Аммо бу сафар вазият бутунлай ўзгача.

Мен Миллий тиббиёт марказининг ўткир юрак етишмовчилиги бўлимида даволанаётган беморман. Энди бу ердаги шароитларни, тиббий хизматнинг моҳиятини ўз ҳаётини шифокорларга ишониб топширган инсон сифатида ҳис этяпман.

Бемор учун энг қулай шарт-шароитлар, мукаммал ташхис, самарали муолажа — буларнинг барчаси ниҳоятда зарур. Аммо яна бир бебаҳо қадрият бор: шифокорга ишонч.

Мен бу ҳақиқатни тиббиёт фанлари доктори, кардиолог Нигора Пирматова тимсолида қайта кашф этдим, десам хатога йўймайсиз!

ИЛМ ВА МЕҲР ТУТАШГАН МАНЗИЛ

Нигора Пирматова — тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси. Унинг касбий фаолиятида илмий изланиш билан амалий тиббиёт бир-бирини тўлдириб туради. Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олган, ўз фаолиятини кардиология соҳасида бошлаган шифокор 2024 йилдан буён Миллий тиббиёт марказида фаолият юритмоқда.

Кундалик фаолиятида юздан ортиқ бемор билан мулоқот қилиш, турли тақдирлар, хавотирлар ва мураккаб ҳолатларга дуч келиш ниҳоятда катта руҳий бардошни талаб этади. Шундай тиғиз жараёнда ҳам инсонни эшита олиш, мураккаб тиббий масалани содда ва халқона тилда тушунтириш, беморнинг хавотирини ҳис қилиб, унга умид бағишлаш — катта маҳорат.

Айнан шу фазилат эгаси бўлган Нигора Пирматованинг ўзига ярашган самимияти ҳар қандай инжиқ бемор қалбини ҳам ёритиб юборади. Албатта, юрак хасталигини даволаш билим, ташхис, дори воситалари ва изчил тиббий назоратни талаб қилади. Самимий суҳбат тиббий муолажанинг ўрнини босмайди. Бироқ у беморнинг руҳий ҳолатига, соғайишга бўлган ишончига беқиёс ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Нигора Викторовнанинг илмий фаолияти билан танишар эканмиз, унинг клиник тафаккури замирида нақадар чуқур изланишлар ётганини англаймиз. Олиманинг «COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда буйрак дисфункциясининг хусусиятлари» мавзусидаги докторлик диссертацияси замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бирига бағишланган.

Юрак ва буйрак — инсон организмида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ аъзолар. Юракнинг қон айланишини таъминлаш фаолияти заифлашса, буйракларнинг ишлаши ҳам издан чиқиши мумкин. Айрим беморларда эса бу ўзгаришлар одатий лаборатор текширувларда дарҳол намоён бўлмайди. Олиманинг изланишлари ана шу яширин хавфни эртароқ аниқлашга қаратилган.

Тадқиқот доирасида 225 нафар бемор ўрганилган. Буйрак фаолиятидаги ўзгаришларни эрта баҳолашда нефрин оқсилининг аҳамияти, цистатин С кўрсаткичи, юрак ва буйрак фаолияти ўртасидаги боғлиқликлар тадқиқ этилган. Энг муҳим илмий янгиликлардан бири — одатий текширувларда буйрак фаолиятининг жиддий бузилиши ҳали қайд этилмаган айрим беморларда сийдикдаги нефрин орқали дастлабки шикастланиш белгиларини аниқлаш имкониятининг асосланганидир.

Бу нимани англатади?



Бу — касаллик асоратлари чуқурлашишини кутиб ўтирмасдан, хавфни эрта баҳолаш ва бемор ҳолатига мос даволаш стратегиясини танлаш имкониятини кенгайтириш демакдир.

Докторлик ишида муайян даво схемаларининг юрак фаолияти ва буйрак кўрсаткичларига таъсири, беморларнинг жисмоний имкониятлари ҳамда ҳаёт сифатидаги ўзгаришлар ҳам ўрганилган.

Олинган илмий натижаларнинг Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда бошқа тиббиёт муассасалари амалиётига жорий этилгани тадқиқотнинг амалий аҳамиятини кўрсатади.

Бу ерда алоҳида қадрли жиҳат бор.

Илмий янгилик деганда кўпчилигимиз мураккаб формулалар, лаборатория натижалари ёки диссертация саҳифаларини тасаввур қиламиз. Аслида эса унинг энг катта қиймати — бемор ҳаётини асрашга хизмат қилишида.

Нигора Пирматованинг илмий изланишларида ана шу мақсадни кўрамиз.

БУ КАСБ ЭГАЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ ҚАДРИЯТИ

Шифокорнинг юраги унинг одамлар билан муносабатида, ўз касбига садоқатида, беморнинг оғриғини чуқур ҳис эта билишида намоён бўлади.

Касалхона ҳаётининг ўз қонуниятлари бор. Ҳар бир беморнинг ўз тарихи, ўз хавотири, ўз умиди мавжуд. Ана шундай инсонларнинг дардини тинглаш, мураккаб тиббий масалаларни ҳал этиш учун фақат билимнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун катта сабр, чуқур масъулият ва инсоний меҳр керак.

Миллий тиббиёт марказида мен тиббий хизмат сифатини айнан шу инсоний мезонлар орқали ҳам баҳолаяпман.

Президентнинг соғлиқни сақлаш тизимини трансформация қилишга доир қатор фармонлари ва қарорларида белгиланган устувор вазифалар ҳақида гапирар эканмиз, уларнинг амалий натижаларига одамлар ҳаёти орқали қарай билишимиз зарур. Чунки ҳар бир ислоҳотнинг ортида фуқароларнинг саломатлиги, оилаларнинг хотиржамлиги, болаларнинг ота-онаси билан боғлиқ умидлари турибди.

Бугун Миллий тиббиёт маркази мисолида иккиланмай айта олишимиз мумкинки, соғлиқни сақлаш тизимида инсон ва унинг қадри энг юксак даражага олиб чиқилмоқда. Умрини ўзгалар ҳаётига бахшида этган, беморларни оёққа турғазиб, уларни оиласи ва жамият бағрига соғлом қилиб қайтаришни ҳаётий қадрияти деб билган Нигора Пирматова ва у сингари шифокорларимиз бор экан, қалбимиздаги умид ва хотиржамликка асло соя тушмагай...

Гулчеҳра МИРЗАЕВА,
журналист.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ОДАМЛАР РОЗИЛИГИ – АСОСИЙ МАҚСАД



Сирожиддин ШОНАЗАРОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи.



Бу борада маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўрни алоҳида. Қайси ҳудудда иш ўрни етишмаяпти, қаерда ичимлик суви ёки йўл билан боғлиқ муаммо бор, қайси оила ижтимоий кўмакка муҳтож — буларни энг яхши биладиганлар ҳам шу ерда яшаётган одамлар ва улар билан доимий мулоқотда бўладиган депутатлардир.

Шунинг учун депутатлик фаолиятига баҳо беришда ўтказилган тадбирлар ёки тайёрланган ҳужжатлар сонининг ўзи кифоя қилмайди. Кўтарилган масала қандай ҳал этилди, аҳоли ҳаётида нима ўзгарди, одамлар бу ўзгаришни ҳис қилдими? Асосий мезон шу.

РАҚАМЛАР ОРТИДА ТАҚДИРЛАР БОР

Ўтган даврда Халқ демократик партиясининг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятида бир қатор амалий натижаларга эришилди. Партия гуруҳларида 2 минг 274 та масала кўриб чиқилди, доимий комиссияларда 1 минг 800 та масала муҳокама қилинди. Маҳаллий Кенгашлар сессияларига эса 1 минг 834 та масала олиб чиқилди. Бу рақамлар депутатлар ҳудудлардаги муаммоларни кун тартибига қўйяётгани ва уларнинг ечими назоратга олинаётганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга мансабдор шахсларнинг 2 минг 82 та ҳисоботи эшитилди, турли идораларга 10 минг 701 та депутатлик сўрови юборилди.

Аммо келгусида сўровлар ижросини баҳолашда жавоб олингани билан муаммо амалда ҳал этилганини аниқ фарқлаш, ҳар бир масаланинг якунини назорат қилиш муҳим.

ДЕПУТАТ МАҲАЛЛАДА

Депутатлик фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири — одамлар орасида бўлиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш ва муаммоларини жойида ўрганиш. «Депутат маҳаллада» тадбирлари ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Ўтган даврда бу йўналишда 29 мингдан ортиқ учрашув ва сайёр қабул ўтказилди. Учрашувларда 22 мингдан ортиқ масала ва мурожаат кўтарилди.

Айниқса, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотган оилалар ва бошқа ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар билан ишлашда юзаки ёндашувга ўрин йўқ. Ўтган даврда депутатлар томонидан 10 мингдан ортиқ хонадонга борилиб, уларнинг шароити ўрганилган. Шунингдек, 3 мингдан ортиқ оила «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган.

Бундай ишлар аҳолининг эҳтиёжини тўғри аниқлаш ва ёрдамни манзилли ташкил этиш учун муҳим. Бироқ хонадонга кириб-чиқишнинг ўзи етарли эмас. Оиланинг муаммоси нимада экани, қандай ёрдам зарурлиги ва кўрсатилган кўмак унинг ҳаётини қай даражада енгиллаштиргани ҳам ўрганилиши лозим. Ижтимоий ҳимоя одамни фақат вақтинча қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмаслиги, имкон қадар унинг мустақил даромад топиши ва муносиб ҳаёт кечиришига ҳам кўмаклашиши керак.

МУРОЖААТГА ЖАВОБ ЭМАС, ЕЧИМ КЕРАК

Партиянинг Жамоатчилик қабулхоналари ҳам фуқаролар билан ишлашда муҳим ўрин тутади. Ўтган даврда қабулхоналарга 26 минг 330 та мурожаат келиб тушган. Шундан 23 минг 706 таси ижобий ҳал этилган. Бу умумий мурожаатларнинг қарийб 90 фоизини ташкил қилади.

Жумладан, коммунал хизматларга оид 5 минг 56 та, иш билан таъминлаш бўйича 3 минг 442 та, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш соҳаларига доир 3 минг 594 та мурожаат қайд этилган. Моддий ёрдам масаласидаги мурожаатлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди.

Бу рақамлар ҳудудларда қайси йўналишларда муаммолар кўпроқ кузатилаётганини кўрсатади. Масалан, коммунал хизматларга оид мурожаатларнинг кўплиги сув, электр энергияси, иситиш ёки бошқа хизматлар билан боғлиқ масалаларни тизимли ўрганиш зарурлигини англатади. Ишга жойлашиш бўйича мурожаатлар эса аҳоли учун барқарор иш ўринлари яратиш, касбга ўқитиш ва меҳнат бозори талабларига мос кўникмаларни шакллантириш муҳимлигини кўрсатади.

НАЗОРАТ БОР ЖОЙДА, МАСЪУЛИЯТ БЎЛАДИ

Маҳаллий Кенгаш депутати ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳал этилиши устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини амалга оширади. Бунда мансабдор шахслар ҳисоботини эшитиш, доимий комиссиялар ишида қатнашиш ёки сессияга масала олиб чиқиш билан чекланмайди. Қабул қилинган қарорлар ижроси, ажратилган маблағлардан фойдаланиш ва белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳам изчил кузатиб борилиши зарур.

Айниқса, маҳаллий бюджет маблағларининг сарфланиши, ҳудудларни ободонлаштириш, ичимлик суви, йўл, мактаб ва тиббиёт муассасалари билан боғлиқ масалалар депутатлар эътиборидан четда қолмаслиги керак. Чунки бундай қарорлар одамларнинг кундалик ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади.

Партия гуруҳлари томонидан муҳокама қилинган масалалар, билдирилган таклифлар ва амалга оширилган ишлар мунтазам таҳлил қилинса, қайси йўналишда натижа борлиги, қаерда эса ишни кучайтириш кераклиги ойдинлашади. Бу эса депутатлик фаолиятини расмий тадбирлар доирасидан чиқариб, аниқ мақсад ва натижага йўналтириш имконини беради.

АМАЛИЙ НАТИЖА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Ўтган даврдаги натижалар депутатлар аҳоли билан ишлаш, муаммоларни кўтариш ва уларнинг ечимига кўмаклашиш борасида муайян тажриба тўплаганини кўрсатади. Эндиги вазифа — бу ишларнинг самарасини янада ошириш, ҳар бир мурожаатга масъулият билан ёндашиш, кўтарилган масала ҳал бўлгунча уни эътиборда тутиш ва одамлар ишончини амалий натижалар билан мустаҳкамлаш.

Халқ ишончи — катта масъулият. Бу ишончни оқлаш учун эса депутат доимо одамлар орасида бўлиши, уларнинг дардини эшитиши ва муаммолар ечими учун изчил ҳаракат қилиши зарур. Ана шунда партиянинг ижтимоий адолат ва инсон қадрини улуғлашга қаратилган мақсадлари ҳаётда ўз ифодасини топади.



ЛОЙИҲАЛАР МУЛОҚОТНИ КЕНГАЙТИРИБ, МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТМОҚДА



Малика РАШИДОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи.

Йиллар давомида тўпланган тажриба бугун янги ташаббуслар ва амалий ишлар билан давом этмоқда. «Бир маҳалла – бир ташаббус», «Қувонч ва меҳр улашайлик», «Депутат маҳаллада», «Мунозара майдони», «Ёшлар – соғлом турмуш тарафдори», «Соғлом жамият — кучли давлат», «Сиёсатдаги ёшлар» каби лойиҳа ва акциялар шулар жумласидан. Уларнинг ҳар бири аҳоли билан яқин мулоқотни йўлга қўйиш, жойлардаги масалаларга эътибор қаратиш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва жамиятдаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

2026 йилда ҳам бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ташаббуслар партиянинг дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, аҳоли билан мулоқотни янада мустаҳкамлаш ва одамларни ўйлантираётган масалалар ечимига ҳисса қўшишга қаратилган. Зеро, ҳар қандай ташаббуснинг аҳамияти, аввало, у инсонлар ҳаётида қандай натижа бераётгани, уларнинг манфаатларига қай даражада хизмат қилаётгани билан белгиланади.

Масалан, “Бир маҳалла — бир ташаббус” лойиҳаси аҳоли муаммоларини жойида ўрганиш ва уларнинг ечими бўйича амалий чоралар кўришга қаратилган. 2026 йилнинг ўтган даврида лойиҳа доирасида 35 мингдан ортиқ аҳоли вакили билан мулоқот қилинди, 1 260 та масала ижобий ҳал этилди, яна 935 та масала бўйича амалий чоралар белгиланди.

Лойиҳанинг аҳамияти фақат ҳал этилган масалалар сони билан белгиланмайди. У фуқароларга муаммоларини кўтариш, тегишли идоралар билан мулоқот қилиш ва ечим излашда иштирок этиш имконини бериши керак. Бунинг учун мурожаатларнинг кейинги тақдири ҳақида аҳолига мунтазам ахборот бериш ва белгиланган чоралар ижросини кузатиш муҳим. Бундай ёндашув партиянинг аҳоли билан алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

> “ЛОЙИҲАНИНГ АҲАМИЯТИ ФАҚАТ ҲАЛ ЭТИЛГАН МАСАЛАЛАР СОНИ БИЛАН БЕЛГИЛАНМАЙДИ. У ФУҚАРОЛАРГА МУАММОЛАРИНИ КЎТАРИШ, ТЕГИШЛИ ИДОРАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ВА ЕЧИМ ИЗЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ИМКОНИНИ БЕРИШИ КЕРАК.

Республика бўйлаб ўтказилаётган “Қувонч ва меҳр улашайлик” акцияси эса эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар ва кўмакка муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Акция доирасида 897 та хайрия тадбири ва 273 та ҳашар ташкил этилди. Эҳтиёжманд оилалар ҳамда ёлғиз кексалар яшайдиган 1 967 та хонадон манзилли ўрганилиб, партия электоратининг 47 509 нафар вакили билан бевосита мулоқот қилинди.

Бундай акциялар ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, муносиб ҳаёт кечириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш масаласини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш ва муаммоларни ҳал этишга хизмат қилиши керак. Шунда лойиҳалар партия қадриятларини намоён этиш билан бирга, янги сиёсий ташаббусларга асос бўлади.

“Имконият чекланмаган!” лойиҳаси доирасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижодий ишларини намойиш этиш ва маҳсулотларини сотишга кўмаклашиш шундай ёндашувнинг бир кўринишидир. Бунда инсон фақат ёрдамга муҳтож шахс сифатида эмас, балки ўз маҳорати, меҳнати ва ташаббуси билан жамият ҳаётига ҳисса қўша оладиган фаол иштирокчи сифатида эътироф этилади.

Тўпланган тажриба аҳоли эҳтиёжларини чуқурроқ ўрганиш, мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва депутатлик фаолиятида мурожаатлар ечимига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

Лойиҳа ва акциялар партия фаолиятининг муҳим қисми бўлиб қолади.

Сиёсий партиянинг нуфузи шиорлари билан эмас, одамлар манфаатларини ҳимоя қилишдаги қатъияти, кўтарилган масалалар учун зиммасига олган масъулияти ва эришилган амалий натижалари билан мустаҳкамланади. Мафкура одамлар ҳаёти билан узвий боғлансагина амалий мазмун касб этади.

СЎРОВ, НАТИЖА, ТАҲЛИЛ

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

ХАЛҚ ВАКИЛИНИНГ БУРЧИ





Депутатлик фаолиятининг ҳақиқий натижаси нима билан ўлчанади? Албатта, фақат учрашувлар, йиғилишлар ёки юборилган хатлар сони билан эмас. Энг муҳими, депутат кўтарган масала одамларнинг ҳаётида қандай ўзгариш ясади, қайси муаммо ҳал бўлди, қайси хонадонда одамлар рози бўлди — ҳақиқий натижа ана шуларда намоён бўлади.

Чунки одамларнинг депутатга билдирган ишончи ортида оддий, аммо ҳаётий муаммолар туради. Ана шундай масалаларни ўрганиш, уларни масъул ташкилотлар олдига қўйиш ва ижобий ҳал этилишига эришишда депутатлик сўровлари алоҳида ўрин тутади.

Сўнгги вақтларда ҳудудларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари томонидан аҳоли мурожаатлари асосида қатор долзарб масалалар кўтарилмоқда. Айримлари ўз ечимини топган бўлса, баъзилари тегишли ташкилотлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

КУН ТАРТИБИДА – ЕР МАСАЛАСИ

Инсон учун ўз уйига эга бўлиш, оиласи билан тинч ва осойишта яшашдан ортиқ бахт йўқ. Шу боис якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиш масаласи кўпчиликни қизиқтирадиган долзарб мавзулардан ҳисобланади.

ЎзХДП Нуробод тумани Кенгаши депутати Б. Обланов томонидан айнан шу масала юзасидан депутатлик сўрови юборилди.

Мазкур сўровга Нуробод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимининг 2026 йил 28 октябрдаги хати орқали расмий жавоб тақдим этилди.

Жавобда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги қарорига мувофиқ, якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкалари мулк ҳуқуқи асосида электрон онлайн аукцион орқали реализация қилинади.

Шунингдек, Нуробод тумани Саҳоба маҳалласи ҳудудидан ҳам ана шу мақсадлар учун ер майдонлари таклифи берилган. Уларни «E-IJRO-AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси орқали реализация қилиш назарда тутилган.

Бу ерда эътиборли жиҳат шундаки, депутат кўтарган масала тегишли ташкилот томонидан ўрганилиб, белгиланган тартиб ва имкониятлар юзасидан расмий жавоб берилди. Бу эса аҳоли учун муҳим бўлган уй-жой масаласини кун тартибига олиб чиқишда депутатлик назоратининг аҳамиятини кўрсатади.

БОЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

Баъзан катталар учун оддий туюлган йўл болалар учун катта хавф туғдириши мумкин. Айниқса, мактабгача таълим ташкилотига қатнайдиган кичкинтойлар йўлни кесиб ўтишда алоҳида эътибор ва хавфсизлик шароитига муҳтож.

Халқ депутатлари Хонқа тумани Кенгаши депутати Феруз Ваисов фуқаролар билан учрашувлар давомида ана шундай муаммога эътибор қаратди.

Тумандаги «Муқаддас» маҳалласи, Оқ олтин кўчасида яшовчи аҳоли фарзандлари «Эҳтиром» маҳалласида жойлашган 27-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига қатнайди. Болаларнинг йўлни кесиб ўтишида хавфсизликни таъминлаш масаласи ота-оналарни ташвишга солиб келаётган эди.

Депутат бу мурожаатни эътиборсиз қолдирмади. Масъул ташкилотларга пиёдалар йўлакчасини чизиш ва тегишли йўл белгисини ўрнатиш юзасидан депутатлик сўрови юборди.

Натижа эса кўп куттирмади. Белгиланган ҳудудда пиёдалар йўлакчаси чизилиб, зарур йўл белгиси ўрнатилди.

Энди бу ердан болаларнинг йўлни кесиб ўтиши учун хавфсизроқ шароит яратилди. Бу, бир қарашда, катта бўлмаган ишдек кўриниши мумкин. Аммо ҳар куни фарзандининг боғчага бориши ва уйига соғ-саломат қайтишини кутадиган ота-она учун жуда катта аҳамиятга эга.

Депутатлик сўровининг энг яхши натижаси ҳам шу — одамларнинг кундалик ҳаётида сезиладиган ижобий ўзгариш.

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ: МУАММОНИНГ ЕЧИМИ ИЗЛАНМОҚДА

Электр энергияси бугунги кунда ҳар бир хонадон учун зарур эҳтиёжга айланган. Уйдаги ёритиш, маиший техника, болаларнинг дарс тайёрлаши, кундалик турмушимиз — буларнинг барчаси барқарор электр таъминотига боғлиқ.

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати Ўрал Ўразбоев Бахмал тумани Бунёдкор маҳалласи, Гултепа қишлоғида аҳоли билан учрашув давомида электр таъминотидаги муаммоларни ўрганди.

Маълум бўлишича, қишлоқдаги электр тармоқлари ва трансформаторлар 1973 йилда фойдаланишга топширилган. Орадан ўнлаб йиллар ўтиши натижасида мавжуд инфратузилма бугунги талабларга жавоб бермай қолган. Оқибатда аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлашда муаммолар юзага келмоқда.

Ўрганиш давомида қишлоққа 160 кВА қувватли битта трансформатор, 180 дона темир-бетон таянч устун ва 9 километр кабель зарурлиги аниқланди.

Депутат мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида Бахмал тумани ҳокими А. Эргашевга депутатлик сўрови юборди. Унда зарур инфратузилма объектларини манзилли рўйхатга киритиш ҳамда электр таъминотини яхшилаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш сўралди.

Албатта, бугун кўтарилган муаммонинг эртага тўлиқ ҳал бўлиши учун муайян вақт ва маблағ талаб этилади. Аммо энг муҳими, муаммо чуқур ўрганилди, зарур эҳтиёжлар белгилаб олинди ва уни ҳал этиш бўйича масъуллар олдига аниқ масала қўйилди.

Шунингдек, ЎзХДП Самарқанд вилояти Кенгаши депутати Ф. Рахимова ҳам Каттақўрғон шаҳридаги электр таъминоти корхонасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласини кўтарди.

Депутатлик сўровида эскирган махсус техника ва транспорт воситаларини янгилаш, мавжуд инфратузилмани реконструкция қилиш масалалари илгари сурилди.

Маълум қилинишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 14 августдаги қарори ижроси доирасида Самарқанд вилояти электр тақсимлаш тармоқларини модернизация қилиш ва бошқариш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Туркиянинг «AKSA Elektrik Perakende Satış A.Ş.» компанияси билан шартнома имзоланган.

Лойиҳада эскирган махсус техника ва жиҳозларни янгилаш, зарур транспорт воситаларини харид қилиш, корхона бинолари ҳамда мавжуд инфратузилма реконструкцияси бўйича ишлар белгиланган.

Бу каби ташаббуслар электр тармоқларининг ишончлилигини ошириш, авариявий ҳолатларнинг олдини олиш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.

ТУНДА ҲАМ ДОРИ ТОПИШ ИМКОНИ БЎЛИШИ КЕРАК

Бетоблик вақт танламайди. Оғриқ ҳам фақат кундузи содир бўлмайди. Айниқса, кечаси боласи иситмалаб қолган, шошилинч дори керак бўлган ота-онанинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас.

Арнасой туманида ҳам айнан шу масала аҳоли томонидан кўтарилди. Халқ депутатлари Арнасой туман Кенгаши депутати Раъно Тўрабоева сайловчилар билан учрашувлар ва жойларда олиб борилган ўрганишлар давомида туманда 24 соат фаолият юритувчи дорихона мавжуд эмаслигига эътибор қаратди.

Маълумки, тумандаги дорихоналар белгиланган иш вақти тугагач, ўз фаолиятини тўхтатади. Натижада кечки ва тунги вақтларда зарур дори воситаларини харид қилишда фуқаролар қийинчиликка дуч келмоқда.

Бу ҳолат, айниқса, болалар, кексалар ва шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож беморлар учун жиддий муаммо ҳисобланади.

Мазкур масалани ҳал этиш мақсадида Арнасой тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ш. Кенжабоевга депутатлик сўрови юборилди.

Энди ушбу масала масъуллар эътиборида. Аҳолининг истаги эса оддий: зарур дори керак бўлиб қолганда, уни излаб бошқа жойларга сарсон бўлмаслик, кечаси ҳам дорихона хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш.


Албатта, барча муаммо бир кунда ҳал бўлиб қолмайди. Айрим масалалар катта маблағ, лойиҳа ва муайян вақт талаб қилади. Лекин уларни эътиборсиз қолдирмаслик, ўрганиш, масъулларга етказиш ва натижаси бўйича назорат олиб боришнинг ўзи ҳам муҳим қадам.

Ҳар бир депутатлик сўрови ортида инсон тақдири, унинг ишончи ва умиди борлигини унутмаслик керак. Ана шу ишончни оқлаш эса депутатлик фаолиятининг энг катта масъулиятидир.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

АНДИЖОН:
КИЧИК ГЭС ҚУРИЛИШИ ЎРГАНИЛДИ



Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутати Шоядбек Саттаров Баликчи туманида қурилаётган кичик гидроэлектр станциясида олиб борилаётган ишларни ўрганди. Жараёнда туман Кенгаши котибият мудири О.Исмоилов ҳам иштирок этди.

«Razviliyu elektro energiye» МЧЖ томонидан амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қуввати 2 МВтни ташкил этади. Қурилиш ишларига Хитойдан келган мутахассислар ҳам жалб этилган.

Ўрганиш давомида ишчилар учун яратилган шароитлар ва хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши кўздан кечирилди. Аниқланган масалалар юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди.

БУХОРО:
ИЧИМЛИК СУВИ УЗЛУКСИЗ ЕТКАЗИЛМОҚДАМИ?

Халқ депутатлари Қоровулбозор тумани Кенгаши депутати Г.Нарзиева ва котибият бош мутахассиси С.Бекҳайдарова «Бўзачи» маҳалласидаги сув иншооти фаолиятини ўрганди.

Ўрганиш давомида иншоотнинг техник ҳолати, ичимлик суви сифати, таъминот узилишларининг олдини олиш чоралари кўздан кечирилди. Иншоотда сувни тозалаш учун уч босқичли фильтрлаш тизими ҳамда 40 кВт қувватли қуёш панели ўрнатилгани қайд этилди.

Аҳолига сифатли ичимлик сувини узлуксиз етказиб бериш ва иншоотнинг барқарор ишлашини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.



СУРХОНДАРЁ:
КЎЧА ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЯХШИЛАНДИ



Халқ депутатлари Бойсун тумани Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутати З.Ўзбекова томонидан "Косиблар" маҳалласидаги "Янги Ўзбекистон" массиви Яккабоғ кўчасининг ҳолати ўрганилганида уни асфальтлаш зарурати аниқланган эди.

Депутат ушбу масала юзасидан туман Кенгашига таклиф киритди. Натижада кўчани асфальтлаш ишлари халқ депутатлари Бойсун туман Кенгашининг 2026 йил 3 мартдаги қарори билан тасдиқланган манзилли дастурга киритилди.

Бугунги кунда қарор ижроси таъминланиб, Яккабоғ кўчаси асфальтланди.

Бу каби ишлар аҳоли мурожаатлари ва ҳудуддаги муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар киритиш ҳамда қарорлар ижросини депутатлик назорати орқали кузатиб бориш муҳимлигини кўрсатади.

ФАРҒОНА:
“СИЁСАТЧИ АЁЛЛАР” ФОРУМИ


Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бандлигини таъминлашга қаратилган “Сиёсатчи аёллар” форуми ташкил этилди.

Форум доирасида хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, касб-ҳунарга йўналтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда кам даромадли аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар танлови ўтказилди.

Танлов якунларига кўра, Хуршида Маҳмудова 1-ўрин, Нодирахон Раҳмонқулова 2-ўрин, Маҳлиёхон Тўлқинбоева 3-ўринни эгаллади. Форумда энг яхши лойиҳаларни амалга оширишда партия кенгаши, депутатлик гуруҳлари ва ҳамкор ташкилотлар имкониятларидан фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси Фарғона вилояти бўлинмаси, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши ҳузуридаги “Депутат аёллар” мулоқот тузилмаси ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг Фарғона вилояти бошқармаси ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Ҳужжат хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва ижтимоий ташаббусларини ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлаш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳамкорликда ҳал этишга қаратилган.



ЎЗБЕКИСТОН – БМТ







ГЛОБАЛ ҲАМКОРЛИК ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЙЎЛ



Анвар МЕЛИБОЕВ, БМТ Глобал коммуникациялар департаментининг Ўзбекистондаги раҳбари, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили маслаҳатчиси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг глобал муаммоларни ҳал этишдаги ягона универсал майдон сифатидаги ўрнини бир неча бор алоҳида таъкидлаган. 2025 йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеясида сўзлаган нутқида давлатимиз раҳбари БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Ташкилотни янада самарали ва тезкор тузилмага айлантиришга қаратилган ислоҳотларини Ўзбекистон тўлиқ қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлади.

Ушбу саъй-ҳаракатлар халқаро миқёсда юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. 2024 йил июль ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Президент Шавкат Мирзиёевни «кўприклар бунёдкори, холис воситачи ва тинчлик элчиси» дея эътироф этиб, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни инсон ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш йўлидаги улкан қадам сифатида юқори баҳолади.

Ўзбекистон БМТ доирасида глобал хамкорликни шакллантиришга ҳам тобора салмоқли ҳисса қўшмоқда. Сўнгги йилларда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган 15 та резолюция қабул қилинди, жумладан, уларнинг иккитаси 2026 йилнинг ўзида маъқулланди.

Бунинг ёрқин мисоли сифатида 2026 йил 24 июль куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан «Ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида»ги резолюциянинг қабул қилинишини келтириш мумкин. Дунёнинг барча минтақаларидан 61 та БМТга аъзо давлат ушбу ҳужжатга ҳаммуаллиф бўлгани ижтимоий ривожланишни илгари суриш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишда парламентлар ролини ошириш борасидаги ташаббуслар кенг халқаро қўллаб-қувватловга эга эканидан далолат беради.

Мазкур халқаро ташаббуслар Ўзбекистоннинг ўзида кечаётган изчил демократик ислоҳотларнинг мантиқий инъикосидир. Бугун мамлакатда миллий тараққиётни қўллаб-қувватлашга ва парламент дипломатиясига муносиб ҳисса қўшишга қодир кучли ҳамда масъулиятли парламентни шакллантириш устида тизимли иш олиб борилмоқда.

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясида парламентни ривожлантириш муҳим миллий устувор йўналиш сифатида белгиланган. Сўнгги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг нуфузини кучайтириш, унинг жамият ҳаёти ва давлат бошқарувидаги ўрнини оширишга қаратилган 20 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда салмоқли ютуқларга эришмоқда. «Барқарор ривожланиш тўғрисида»ги 2025 йилги глобал ҳисоботга кўра, мамлакатимиз 167 та давлат орасида 19 поғонага кўтарилиб, 62-ўринни эгаллади.

Ушбу ижобий ўзгаришлар юртдошларимизнинг кундалик ҳаётида тобора яққол акс этмоқда. Камбағаллик даражаси 2021 йилдаги 17 фоиздан 2025 йилда қарийб 5,8 фоизгача қисқарди. Сифати яхшиланган давлат хизматларидан 12,8 миллион нафар фуқаро баҳраманд бўлди, мактабгача таълим қамрови эса 78 фоизга етиб, қарийб 2,4 миллион нафар болани қамраб олди.

Ўзбекистон тажрибаси учта муҳим хулосани яққол намоён этмоқда:

Биринчидан, Барқарор ривожланиш мақсадлари алоҳида халқаро кун тартиби сифатида эмас, балки миллий сиёсат ва давлат институтлари фаолиятига узвий сингдирилганда энг юқори самара беради. Ўзбекистон миллий БРМ мақсадларини белгилади, икки маротаба Ихтиёрий миллий шарҳни тақдим этди, парламент иштирокини кучайтирди ҳамда барқарор тараққиётга хизмат қилувчи халқаро ташаббусларни илгари сурди.

Иккинчидан, ислоҳотлар кучли ҳисобдорлик билан уйғун бўлиши шарт. Қонунлар, бюджет маблағлари ва давлат дастурлари ҳар бир вилоят, туман ва маҳалладаги инсонлар ҳаётида реал натижа беришини таъминлашда парламент ҳал қилувчи ўрин тутади.

Учинчидан, самарали бошқарув ишончли маълумотлар ва аниқ далилларга таянади. Миллий статистика ва аҳолини рўйхатга олиш маълумотларининг такомиллашуви давлат сиёсатини юритувчиларга аҳоли эҳтиёжларини чуқурроқ англаш ва ресурсларни энг зарур йўналишларга манзилли йўналтириш имконини беради.

Ушбу тамойиллар БМТнинг Ўзбекистон билан 2026–2030 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш соҳасидаги янги Ҳамкорлик дастурида ўз ифодасини топган. Унинг бош мақсади — инсон капиталига сармоя киритиш орқали Ўзбекистонга ўз демографик салоҳиятидан оқилона фойдаланишда кўмаклашишдир. Ёш ва ўсиб бораётган аҳолига эга бўлган мамлакат сифатли таълим, соғлиқни сақлаш, муносиб бандлик, ижтимоий ҳимоя ва замонавий инфратузилмани ривожлантириш орқали тараққиётни жадаллаштириш учун ноёб имкониятга эга.

Ислоҳотлар жараёнида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори бўлиб келмоқда. 2021–2025 йиллар мобайнида БМТ тизими миллий устувор йўналишларни қўллаб-қувватлаш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштириш йўлида Ҳукумат, Парламент, фуқаролик жамияти, ривожланиш бўйича ҳамкорлар ҳамда маҳаллий ҳамжамиятлар билан яқин ҳамкорликда фаолият юритди. Бу саъй-ҳаракатлар давлат институтларини мустаҳкамлаш, давлат хизматлари сифатини ошириш ва мамлакат бўйлаб миллионлаб инсонлар учун янги имкониятлар яратишга хизмат қилди.

Энг кўзга кўринарли натижалардан бири давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қайд этилди. 12,8 миллиондан ортиқ фуқаро такомиллаштирилган давлат хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлди, бу эса харажатлар ва маъмурий тўсиқларни қисқартириб, аҳоли маблағларининг йилига тахминан 2,1 миллион АҚШ доллари миқдорида тежалишига олиб келди. Шу билан бирга, одил судловдан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб, 5 800 дан ортиқ кишига бепул юридик ёрдам ва рақамли ҳуқуқий маслаҳатлар кўрсатилди. БМТ томонидан қўллаб-қувватланган дастурлар орқали 700 дан зиёд коррупцияга қарши курашиш мутахассислари ва прокурорлар ўз касбий салоҳиятини оширди.

Мазкур шериклик бандлик ва ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги муҳим ислоҳотларни ҳам қўллаб-қувватлади. Меҳнаткашларни, жумладан, норасмий секторда банд бўлган қарийб 800 минг нафар фуқарони ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган янги тизимлар жорий этилди. Касбий кўникмаларни ривожлантиришга масъул



муассасаларнинг салоҳияти юксалтирилиб, бу тахминан 75 минг нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қамраб олувчи инклюзив дастурларни амалга ошириш имконини берди, ёшлар эса замонавий қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик кўникмаларини эгаллаш имкониятига эга бўлди.

Айниқса, оналар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. ЮНИСЕФ, ЮНФПА ва ЖССТ томонидан амалга оширилган «ИШОНЧ» қўшма жамғармаси дастури доирасида Ўзбекистондаги барча 231 та перинатал марказнинг шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш салоҳияти мустаҳкамланди. Қарийб 87 минг нафар тиббиёт ходими малака оширди, тўрт миллиондан ортиқ аёллар ва янги туғилган чақалоқлар сифатли тиббий хизматлардан баҳраманд бўлди.

Энг муҳими, ушбу сармоялар аллақачон ўлчовли ва аниқ натижалар бермоқда. Олдини олиш мумкин бўлган оналар ўлими улуши камайди, энг кичик ва заиф чақалоқларнинг яшаб қолиш кўрсаткичи эса тахминан 13 фоизга ошди. Бу Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлик мамлакат бўйлаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш ва оилалар саломатлигини мустаҳкамлашга қандай хизмат қилаётганининг ёрқин намунасидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти гендер тенглигини таъминлаш ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни ҳам фаол қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистонда махсус дастурлар аёллар учун иқтисодий имкониятларни кенгайтирди, етакчилик ва тадбиркорликни рағбатлантирди ҳамда зўравонлик ва камситишнинг олдини олишга қаратилган хизматларни кучайтирди. Шу билан бирга, 14 700 дан ортиқ мутахассис гендер жиҳатларини ва болалар манфаатларини инобатга олувчи хизматлар кўрсатиш бўйича ўз малакасини оширди.

Кўп ўлчовли камбағаллик индексининг жорий этилиши аҳолининг реал эҳтиёжларига жавоб берадиган сиёсатни ишлаб чиқиш имкониятларини кенгайтирди. Шунингдек, БРМга эришиш учун қўшимча ресурсларни сафарбар этиш мақсадида «яшил», ижтимоий ва барқарор молиялаштириш тизимларини ўз ичига олган янги молиявий механизмлар йўлга қўйилди.

Биргаликда олганда,

> 2027 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН БМТГА АЪЗО БЎЛГАНИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНАДИ. ШУНИСИ АНИҚКИ, ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БМТ ЖАМОАСИ МАМЛАКАТДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ДАВОМ ЭТАДИ – ТОКИ ҲАР БИР ИНСОН ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШСИН ВА УНИНГ САМАРАСИНИ ЎЗ ҲАЁТИДА ҲИС ЭТСИН.

ушбу ютуқлар Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги шериклик нафақат ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганини, балки одамларнинг кундалик ҳаётида сезиларли ижобий ўзгаришлар ясаётганини яққол намоён этади.

Ҳар бир статистик рақам ортида Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги туфайли ҳаёти яхши томонга ўзгарган реал инсонлар тақдири мужассам. **Келинг, БМТ агентликларининг фаолияти оддий инсонларга янада хавфсиз, соғлом ва фаровон ҳаёт қуришда қандай ёрдам берганига оид бир нечта ҳаётий мисолларга назар ташлайлик.**

Бўстонлиқ туманилик сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси Маъмура Мингбоева 30 йилдан ортиқ вақт давомида ўзининг кичик бизнесини анъанавий усулларда юритиб, ҳар куни эрталаб қарийб икки соат вақтини қўл сепараторида сутни қайта ишлашга сарфлар эди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан қўллаб-қувватланган дастур орқали у махсус ўқув курсларида қатнашди, янги кўникмалар ва замонавий ускуналарга эга бўлиб, сутни қайта ишлаш жараёнини модернизация қилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ошди, озиқ-овқат хавфсизлиги яхшиланди, маҳаллий дўконларга маҳсулот етказиб бериш кенгайди ва унинг ўз вақтини оқилона бошқариш имконияти ортди. Ушбу кўмак оғир қўл меҳнатига асосланган уй хўжалиги фаолиятини мустаҳкам ва даромадли оилавий корхонага айлантириб, ҳам оила даромадини, ҳам турмуш сифатини юксалтирди.

Оролбўйи минтақасида асаларичи Бахтиёр Джубаев БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД) кўмаги ва Япония Ҳукумати молиявий ёрдами билан атиги 10 та асалари уясидан иборат кичик хўжаликни муваффақиятли ва барқарор бизнесга айлантирди. Унга замонавий асални қайта ишлаш ускуналари ҳамда асалари уялари ишлаб чиқариш устахонасини ташкил этиш бўйича ёрдам кўрсатилди. Ушбу ташаббуснинг самараси унинг оиласи доирасидан ҳам кенгроқ ёйилди: БМТТД билан ҳамкорлик орқали Бахтиёр 70 дан ортиқ кишини, жумладан, аксарият хотин-қизларни ушбу касбга ўргатди. Бугунги кунда унинг ўғли ҳам оилавий бизнесга қўшилган бўлиб, бу билим ва кўникмалар, даромад имкониятлари ҳамда оилавий корхонанинг кейинги авлодга муваффақиятли ўтишини таъминламоқда.

Наманган вилоятида тадбиркорлар Жавҳарой Иномова ва Муниса Иномова БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД), Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги кўмаги ҳамда Финляндия ҳукумати молиявий ёрдами билан меваларни қуритиш бўйича кичик оилавий бизнесини экспортга йўналтирилган йирик корхонага айлантирдилар. 2025 йилда корхона оғир қўл меҳнати ўрнини босувчи замонавий ювиш, саралаш ва қуритиш ускуналари билан жиҳозланди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати соатига бир тоннагача етди, маҳсулот сифати яхшиланди ва корхона йил давомида узлуксиз ишлаш имконига эга бўлди. Ишлаб чиқаришнинг кенгайиши натижасида 26 та янги иш ўрни яратилиб, уларнинг аксариятига хотин-қизлар қабул қилинди, маҳаллий фермерлар билан ҳамкорлик мустаҳкамланди ҳамда халқаро бозор учун янги имкониятлар очилди.

2027 йилда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганининг 35 йиллиги нишонланади. Шуниси аниқки, Ўзбекистондаги БМТ жамоаси мамлакатдаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашда давом этади – токи ҳар бир инсон юрт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшсин ва унинг самарасини ўз ҳаётида ҳис этсин.

БУХОРО УЗРА ЯНГИЛАНИШЛАР ЭПКИНИ



Зулфия ТЎЙЁВА,
ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари.

Ҳар бир ҳудуд тараққиёти, аввало, у ерда яшаётган инсонларнинг ҳаётидаги ўзгаришлар, уларнинг эртанги кунга ишончи ва турмушидан розилиги билан ўлчанади. Шу маънода, Президентимизнинг 2026 йил 3–4 ноябрь кунлари Бухоро вилоятига ташрифи нафақат ҳудудимиз ривожи, балки ҳар бир бухороликнинг фаровон келажаги учун муҳим қадам бўлди.

Ташриф давомида вилоятнинг иқтисодий салоҳияти, мавжуд имкониятлари ва истиқболли лойиҳалари чуқур таҳлил қилиниб, Бухоро тараққиётининг янги йўналишлари белгилаб берилди. Айниқса, иқтисодиёт ва аҳоли турмушида сезиларли ўзгаришлар ясашга қаратилган 30 миллиард долларлик янги ташаббусларнинг илгари сурилиши вилоятимиз учун катта имкониятдир.

Бироқ бу ташаббусларнинг энг катта аҳамияти уларнинг молиявий кўламида эмас, балки одамлар ҳаётига олиб кирадиган янгиликларидадир. Ҳар бир хонадонда тоза ичимлик суви бўлиши, йўллар равонлашиши, янги корхоналар ишга тушиб, иш ўринлари яратилиши, фарзандларимиз сифатли таълим олиши ва аҳоли тиббий хизматдан муносиб фойдаланиши — тараққиётнинг инсон ҳаётидаги энг муҳим ифодаси.

Мен учун ташрифнинг яна бир муҳим жиҳати — барча ислоҳот ва лойиҳаларнинг марказида инсон манфаатлари турганидир. Бу ёндашув Халқ демократик партиясининг асосий ғоялари билан ҳамоҳанг. Ижтимоий адолатни таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароитини яратиш партиямиз фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади. Биз учун ислоҳотларнинг ҳақиқий натижаси — уларнинг ҳар бир маҳалла ва хонадонгача етиб бориши, ҳеч бир инсон эътибордан четда қолмаслигидир.

Ташриф давомидаги яна бир қувончли воқеа — Олот тумани ҳокими, партиямиз депутати Наргиза Исамиддиновнанинг «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирлангани бўлди. Давлатимиз раҳбари томонидан унинг ҳудудни комплекс ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш йўлидаги хизматлари ва кўп йиллик самарали меҳнати юксак эътироф этилди.

Албатта, бундай эътироф ҳар биримизга ғурур бағишлайди. Чунки унинг замирида халқ манфаати йўлидаги меҳнат, зиммадаги масъулият ва одамлар ишончини оқлашга бўлган интилиш мужассам. Бу мукофотни бир раҳбарнинг шахсий ютуғигина эмас, балки ҳудудлар тараққиётига ҳисса қўшаётган, ўз меҳнати билан одамлар ҳаётида ижобий ўзгариш ясашга интилаётган барча фидойи инсонларга кўрсатилган юксак эътибор сифатида қабул қиламиз.

Ишончимиз комилки, ташриф давомида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши Бухоронинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириб, аҳоли бандлиги, даромадлари ва турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Биз ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этиб, аҳоли мурожаатларини ўрганиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатларини ҳимоя қилиш, депутатлик назорати орқали белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижросига ҳисса қўшишни муҳим бурчимиз, деб биламиз.

САҲРОДА МЎЪЖИЗА ЯРАТГАНЛАР

Қоровулбозор чўллари бағрида қад ростлаган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини бежиз «Саҳродаги мўъжиза» деб аташмайди. Яқинда — 2026 йилнинг 3 ноябрь куни корхонанинг қарийб ўттиз йиллик тарихида илк бор Президент Шавкат Мирзиёевнинг бу ерга ташриф буюриши ва улкан модернизация лойиҳасига старт бериши заводда меҳнат қилаётган 3 200 нафардан зиёд инсоннинг қалбида ўзгача ғурур уйғотди. Биз бу гал рақамлар ва ҳисоботларга эмас, балки умрини мана шу улкан корхона билан боғлаган турфа ёш, турфа касб эгаларининг сўзларига қулоқ осдик. Улар ўз ҳаёти, кечаги куни ва бугунги ўйларини шундай ҳикоя қиладилар.





Акбар ФАЗИЛОВ,
Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори:

— Корхонамиз мустақиллигимизнинг илк йилларида мамлакатнинг энергетик мустақиллиги рамзи сифатида бунёд этилган эди. Аммо технология бир жойда тўхтаб турмайди.

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарига тақдим этилган кенг кўламли модернизация лойиҳаси корхонамизни мутлақо янги технологик босқичга олиб чиқади.

Лойиҳа доирасида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда замонавий гидротозалаш ва изомеризация қурилмалари барпо этилади, хомашёни фракцияларга ажратиш ҳамда оғир қолдиқларни чуқур қайта ишлаш жараёни тубдан такомиллаштирилади. Бу содда қилиб айтганда, — яқин келажакда заводимизда «Евро-5» халқаро экологик стандартига тўлиқ жавоб берадиган юқори октанли АИ бензинларини ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошади, ички бозоримиз тоза ва сифатли ёнилғи билан барқарор таъминланади ҳамда воҳамиз экологиясига чиқариладиган зарарли ташламалар минимумга туширилади, деганидир.

Давлатимиз раҳбарининг цехларни кўздан кечириб, муҳандис ва ишчиларнинг меҳнатига юксак баҳо бергани Янги Ўзбекистонда инсон энг олий қадрият эканини яна бир бора амалда исботлади. Ўттиз йиллик юбилейимиз арафасида бошланган бу тарихий янгиланиш нафақат заводимиз, балки бутун Бухоро вилояти ва мамлакатимиз иқтисодиёти учун янги уфқларни очади.



Акбар БОБОЕВ,
Асосий ишлаб чиқариш цехи қурилма бошлиғи:

— Мен қурилма бошлиғи даражасигача бўлган барча поғоналарни ўз пешона терим билан босиб ўтдим. 2001 йилда иш бошлаган пайтим билан сўнгги етти-саккиз йилдаги ислоҳотлар даврини солиштирсам, фарқ ер билан осмонча эканини кўраман. Фаолиятимнинг илк йилларида кўп жараёнлар қўл кучига таянарди: Қоровулбозорнинг ёзда 50 даражага чиқадиган жазирамасида ҳам, қишнинг изғиринида ҳам қурилмалар оралаб югуриб, оғир темир зулфинларни қўл билан бурардик, кўрсаткичларни қоғоз дафтарларга ёзиб юрардик.

Бугун қурилмаларимиз тўлиқ автоматлаштирилган электрон тизим орқали бошқарилади. Сўнгги йилларда айнан мана шу қурилмаларимизни қайта созлаш ва янги катализаторларни жорий этиш орқали илгари импорт қилинган юқори октанли АИ русумли бензинларни ҳамда халқаро стандартдаги «Jet A-1» авиа ёнилғисини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ислоҳотлар нафақат темир қурилмаларни, балки биз — ишчиларнинг ҳаётини, турмуш даражасини ҳам тубдан ўзгартирди. Бугун оддий ишчининг меҳнати, унинг соғлиғи ва оиласи фаровонлиги ҳамма нарсадан устун қўйилган. Бир томонда туғилиб ўсган Олотим таниб бўлмас даражада гўзал шаҳарчага айланган бўлса, иккинчи томонда Қоровулбозордаги хонадонимизда тинчлик ва тўкинлик ҳукмрон.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда заводимизга келиб, биз каби саҳро заҳматкашларининг меҳнатини эътироф этгани ва янги модернизация лойиҳасига старт бергани йигирма беш йиллик меҳнат фаолиятимдаги энг унутилмас воқеа бўлди.



Мунира ҚОДИРОВА,
завод марказий таҳлилхонаси бошлиғи ўринбосари:

— Нефть заводи деганда кўпчилик қора мойга беланган темир қувурлару фақат эркаклар ишлайдиган оғир саноатни тасаввур қилади. Мен эса 2002 йилнинг августида мана шу улкан корхона остонасига қадам қўйганман. Меҳнат фаолиятимни марказий таҳлилхонада энг қуйи поғонадан — оддий ишчи, намуна олувчи вазифасидан бошладим.

Бизнинг марказий таҳлилхонамиз — заводнинг «виждони» ва сифат қалқонидир. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан экологияга зарар келтирувчи паст сифатли АИ бензинидан босқичма-босқич воз кечилиб, юқори октанли ва экологик тоза ёнилғи ишлаб чиқаришга ўтилгани бизнинг ишимиз мазмунини тубдан ўзгартирди. Заводимизда халқаро стандартларнинг жорий этилиши иш маданиятимизни ҳам янги босқичга олиб чиқди. Масалан, илгари иш жараёнидаги қоғозлар ёки таҳлилдан ортган нефть қолдиқларига оддий чиқинди сифатида қаралган бўлса, бугун ISO 14001 халқаро экологик стандарти асосида ҳатто бир варақ макулатурани ҳам алоҳида саралаб топширамиз.

Шу даргоҳда ҳалол меҳнат ортидан болаларимизни ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказяпмиз. Президентимизнинг заводимизга ташрифи ва янги модернизация лойиҳасининг бошланиши бизга чексиз қувонч бағишлади. Лойиҳа доирасида таҳлилхонамиз энг сўнгги русумдаги рақамли анализаторлар билан қайта жиҳозланиши ишлаб чиқаришда янги сифат ва самарадорликни таъминлайди.



Жасур ҚЎЗИЕВ,
Сув таъминоти ва оқава цехи машинисти:

— Ташқаридан қараган одам «Нефть заводида сув цехи нима қилади?» дейиши мумкин. Ваҳоланки, сув тақчил бўлган Қоровулбозор чўлида минг даражали ҳароратда ишлайдиган технологик қурилмаларни совутиш ва буғ ҳосил қилиш учун узлуксиз сув оқими зарур. Фаолиятимнинг дастлабки йилларида эски насослар кўп электр сарфлар, сув йўқотишлари ҳам катта эди. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг сув ресурсларини тежаш ва саноатни модернизация қилиш сиёсати цехимиз ишини тубдан ўзгартирди. Бугун цехимизга энергия тежамкор, частотали бошқариладиган замонавий насос агрегатлари ўрнатилган, назорат тўлиқ автоматлашган.

Кўпчилик «машинист дегани куни бўйи насос ва қувурлар орасида қора терга ботиб юрадиган одам бўлса керак», деб ўйлайди. Илгари шундай эди ҳам. Бугун эса рақамли бошқарув ва хавфсиз меҳнат шароитлари туфайли ишчи жисмонан эзилмайди, балки агрегатлар ишини ақл билан бошқаради. Иш жойидаги мана шу енгиллик ва барқарор маош туфайли сменадан чиқиб уйга тетик ҳолда қайтаман.

Мақсадимиз аниқ — табиатдан олинадиган сув ҳажмини оширмаган ҳолда, замонавий қайта ишлаш технологиялари ҳисобига янги қурилмаларнинг эҳтиёжини тўлиқ қоплаш ва мамлакатимиз энергетик қудратига муносиб ҳисса қўшишдир.



Сулаймон МЎМИНОВ,
Таъмир-механика цехи бошлиғи ўринбосари:

— Заводимизни бежиз «Саҳродаги мўъжиза» деб аташмаган. Айниқса, сўнгги йилларда бошланган «Яшил макон» умуммиллий ҳаракати ва саноат корхоналари атрофида экологик қалқон яратиш сиёсати чўл бағрида ҳақиқий бурилиш ясади. Минглаб саксовул ва манзарали дарахт кўчатлари замонавий усулда парваришлаб кўкартирилгач, завод ҳудуди ва шаҳарчамиз ям-яшил воҳага айланди — бир пайтлар кўз очирмайдиган чанг бўронлари бугун тарихда қолди.

Мана шу даргоҳда оддий чилангарликдан токарь, уста ва йигирма йилдан зиёд вақт мобайнида цех бошлиғи ўринбосари даражасигача бўлган масъулиятли йўлни босиб ўтдим. Таъмир-механика цехини бежиз заводнинг «юрак жарроҳлиги» марказига қиёслашмайди: корхонада кечаю кундуз тўхтовсиз ишлайдиган юзлаб қудратли насос, компрессор ва турбиналарнинг бир сония ҳам тўхтаб қолмаслиги бевосита бизнинг цехимизга боғлиқ. Илгари бирор мураккаб агрегатнинг вали ёки ноёб эҳтиёт қисми едирилса, уни хориждан катта валюта эвазига буюртма қилиб, ойлаб кутишга тўғри келар, бу эса ишлаб чиқариш суръатига таъсир қиларди. Президентимиз томонидан саноатда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва импорт ўрнини босиш бўйича қўйилган қатъий вазифалар цехимиз фаолиятини бутунлай янги босқичга олиб чиқди. Мутахассиснинг меҳнати ва изланиши қадр топгач, хонадонига ҳам барака кирар экан — шу ҳалол меҳнат ортидан рўзғорим бут бўлди, уч фарзандимни ўқитиб, уйли-жойли қилдим. Умримнинг энг кучга тўлган йиллари шу заводга бағишланганидан бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ фахрланаман.



Ирода ФАТКУЛИНА,
“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ жамоатчилик билан алоқалар, гендер тенглик ва ижтимоий сиёсат хизмати бошлиғи, директор маслаҳатчиси.

ХУШХАБАР

ЯНГИ КОРХОНАНИНГ ТАРИХИЙ МАРРАСИ



Олмалиқ кон-металлургия комбинати 3-Мис бойитиш фабрикаси жамоаси 10 миллион тонна маъданни қайта ишлаш бўйича режани уддалади.

“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ Ахборот хизматининг маълум қилишича, шу йилнинг 16 мартидан 4 ноябрига қадар фабрикада 10 миллион тонна маъдан қайта ишланиб, Мис эритиш заводига 160 минг тоннадан ортиқ мис концентрати етказиб берилди. Фаолиятини эндигина бошлаган корхона учун бу салмоқли ва тарихий аҳамиятга эга натижа, десак муболаға бўлмайди.

Эслатиб ўтамиз, 2026 йил 16 март санаси корхона тарихида алоҳида қайд этилади. Шу куни мамлакат раҳбари рамзий тугмани босиб, ОКМК тасарруфидаги 3-Мис бойитиш фабрикаси фаолиятига старт берди ва “Ёшлик I” конини ўзлаштириш бўйича йирик лойиҳани амалга оширишда муҳим босқичга киришилган эди.

Фабриканинг лойиҳавий қуввати йилига 60 миллион тонна маъданни қайта ишлашга тенг бўлиб, йилига қарийб 900 минг тонна мис концентрати тайёрлаш имконияти мавжуд. Айни пайтда бу ердаги 12 та тегирмондан 10 таси фойдаланишга топширилган. Қолганларида эса созлаш ва синов ишлари олиб борилмоқда. Яқин вақт ичида уларни ҳам ишга тушириш режалаштирилган.

10 миллион тонна — бу салмоқли натижа, аммо якуний марра эмас. Олдинда фабрикани босқичма-босқич лойиҳавий қувватга олиб чиқиш, технологик жараёнларни барқарорлаштириш, мис концентрати сифатини юқори даражада сақлаш каби устувор вазифалар турибди.



АНЖУМАН



АСОСИЙ СТАВКА ЯНА ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ. НЕГА?

Марказий банк бошқаруви йиғилишида асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Матбуот анжуманида асосий регулятор буни юқори ички талаб ва ташқи бозорлардаги хатарлар фонида қатъий пул-кредит шароитларини ҳамда миллий валютадаги жамғармалар жозибадорлигини сақлаб қолиш зарурати билан изоҳлади.

– Биз пул-кредит сиёсатини белгилашда барча омилларни, айниқса, инфляцияга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ички ва ташқи хатарларни инобатга оламиз, – дейди Марказий банк раиси ўринбосари Нодирбек Очилов. – Аслида бошқарув йиғилишида асосий ставкани 13,5 фоизгача пасайтириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бироқ мавжуд инфляцион хатарлар ва ички талабнинг юқорилигини ҳисобга олиб, ставкани 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдириш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари пасайиб бораётгани, базавий инфляциянинг барқарорлашиши ижобий тенденциялардан ҳисобланади.

Бундан ташқари, жорий йилнинг сентябрь ойида умумий инфляция йиллик ҳисобда 6,4 фоизни, базавий инфляция эса 5,5 фоизни ташкил этди. Хизматлар инфляцияси 7 фоизгача тезлашди. Тўққиз ойда иқтисодий ўсиш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,3 фоизни ташкил этди. Бунда саноат, қурилиш ва хизматлар соҳалари ўсишнинг асосий драйвери бўлди. Ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда жорий йил якунида ЯИМ ўсиши 8 фоиз атрофида бўлиши кутилаётганини таъкидламоқ керак.

Миллий валютадаги жамғармалар жозибадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бугунги жамғармалар эртага инвестицияларга айланади. Шу боис сўмда жамғаришни рағбатлантириш ва миллий валютадаги ҳисоб-китобларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат изчил давом эттирилади.

> ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРНИНГ СЕКИНЛАШИШИГА ҚАРАМАЙ, МАРКАЗИЙ БАНК ЮҚОРИ ИЧКИ ТАЛАБ ВА САҚЛАНИБ ҚОЛАЁТГАН ТАШҚИ ИНФЛЯЦИОН ХАВФ-ХАТАРЛАР САБАБЛИ ҚАТЪИЙ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШНИ ЗАРУР, ДЕБ ҲИСОБЛАМОҚДА.

Матбуот анжуманида, янгиланган прогнозларга кўра, 2026 йил якунида инфляция 7 фоиз атрофида шаклланиши қайд этилди. Бунда тартибга солинадиган нархлар ўзгаришининг бевосита таъсири қисқа муддатли хусусиятга эга бўлиб, келгуси йилда камайиб боради. Қатъий пул-кредит шароитлари нархлар ва инфляцион кутилмаларга ушбу ўзгаришлар билан боғлиқ иккиламчи таъсирларни чеклайди. Натижада базавий инфляциянинг йил охиригача сезиларли ўзгармаслиги, кейинги даврларда эса пасайиши кутилмоқда.

Инфляцион кутилмаларнинг секинлашишига қарамай, Марказий банк юқори ички талаб ва сақланиб қолаётган ташқи инфляцион хавф-хатарлар сабабли қатъий пул-кредит сиёсатини давом эттиришни зарур, деб ҳисобламоқда. Хусусан, сентябрь ойида йиллик инфляция августдаги 6,2 фоиздан сўнг 6,4 фоизгача тезлашган. Бунга айрим озиқ-овқат маҳсулотлари, ёнилғи ва хизматларнинг қимматлашиши сабаб бўлган.

Маълумот учун, Марказий банк асосий ставка бўйича навбатдаги йиғилишни 2026 йил 16 декабрга белгилаган.

ҲАМКОРИМИЗ

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА — МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ «ЯШИЛ УСТУНИ”

Сўнгги йилларда миллий гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш, республикамизнинг энергетик мустақиллигини мустаҳкамлаш ишлари сезиларли босқичга кирди. Натижада қисқа вақт ичида мамлакатимизда гидроэлектр станциялари сони 36 тадан 106 тага, умумий қувват эса 2,5 ГВтга етказилди. Дарё ва каналларнинг энергетик салоҳиятини ишга солиш, кичик ва микроГЭСларни барпо этиш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.



Бу ҳақида Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида ўтказилган матбуот анжуманида сўз борди. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ раҳбарияти, ижро аппаратининг масъул ходимлари, соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда гидроэнергетика тармоғидаги ўзгаришлар, амалга оширилаётган лойиҳалар ва келгуси режалар ҳақида кенг маълумот берилди.

- Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида жамият томонидан 6 642,7 миллион кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 124 фоизни ташкил этди, – дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Фаррух Нуруллаев. – Инвестициявий фаоллик ҳам йилдан-йилга ошмоқда. Ўтган даврда жами 151,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция маблағлари ўзлаштирилиб, белгиланган режа 110 фоизга бажарилди. Шундан 48,7 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу маблағлар янги энергетика объектларини барпо этиш, мавжуд қувватларни кенгайтириш ва тармоқ инфратузилмасини модернизация қилишга йўналтирилмоқда.

Умумий қуввати 74,3 МВт бўлган 9 та энергетика лойиҳасининг ишга туширилиши йилнинг муҳим воқеаси бўлди. Олдин ҳам хабар берганимиздек, Катта Андижон каналида Қўғай-1, Қўғай-2 ва Бешқўрғон ГЭСлари, Жанубий Фарғона каналида ЖФК-3 ГЭС, Оқсув дарёсида Работ, Чаппасув ва Тамшуш ГЭСлари, 20 МВт қувватли Чорбоғ шамол электр станцияси (Хитой давлатининг беғараз грант маблағлари ҳисобига) ҳамда Зарчоб-3А микроГЭС фойдаланишга топширилиши билан 120 га яқин иш ўрни яратилди. Бу мазкур лойиҳалар нафақат электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилаётганини кўрсатади. Бундан ташқари, АЖ тизимида тўққиз ой давомида 576,3 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида эса 8 та лойиҳа бўйича 177,2 миллиард сўмлик маҳсулот истеъмол бозорига етказилди.

– Замонавий гидроэнергетикани рақамли технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди, – дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Азимжон Аҳмаджонов. – Шу боис, жамиятимизда сунъий интеллект, рақамли трансформация ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, бошқарув жараёнларини такомиллаштириш ҳамда киберхавфсизликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Гидроэнергетика объектларида сув оқимини олдиндан прогноз қилиш имконини берувчи ахборот тизимларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва тезкор маълумотлар асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш механизмларини такомиллаштириш ишлари бунга мисол. Бундай инновацион ечимлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, электр энергияси ишлаб чиқаришни самарали режалаштириш ва барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Тадбирда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тасарруфидаги “UzHydroPower” корхонасида қуввати 40 МВтгача бўлган гидроагрегатлар ва зарур эҳтиёт қисмлар “Made in Uzbekistan” миллий бренди остида ишлаб чиқарилаётгани, бу гидроэнергетика лойиҳаларини ўз вақтида ва ортиқча маблағларсиз амалга оширишда айни муддао бўлаётгани таъкидланди.

Истиқболли гидроэнергетика объектларини лойиҳалаш жараёнларига Туркия, Эрон ва Россия Федерациясининг етакчи компаниялари ҳамда соҳа эксперт-мутахассислари жалб этилаётгани, шу орқали хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси чуқур ўрганилиб, замонавий муҳандислик ечимлари ва инновацион ёндашувлар миллий гидроэнергетика амалиётига босқичма-босқич татбиқ этилаётгани ҳақида ахборот берилди.

Саҳифани “Ўзбекистон овози” мухбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бир гуруҳ фахрийлари меҳнат фахрийси **Виль Абдуллаевич УРМАНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY’ATI:
Ulug`bek INOYATOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Olim RAVSHANOV, Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1137. 3700 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O‘zA yakuni — Topshirilgan vaqti — 21:00
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.